

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА  
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК  
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ**

**МУРАТОВ НУРИТДИН ЖАББАРОВИЧ**

**РУДАЛИ КОНЛАРДА ИМПРЕГНИРЛАНГАН ОЛМОС  
КОРОНКАЛАРИ БИЛАН БУРҒИЛАШНИНГ РАЦИОНАЛ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**04.00.15 – Геологик разведка ишлари технологияси ва техникаси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ташкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси №B2018.2.PhD/T677 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Минерал ресурслар институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.gpnimr.uz](http://www.gpnimr.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдумажитов Абдуҳамид Абдумажитович**

техника фанлари доктори, профессор

**Розыков Одилжон Тахиржанович**

геология-минералогия фанлари номзоди, доцент

**Расмий апонентлар:**

**Рахимов Анварходжа Акбарходжаевич**

техника фанлари доктори, профессор

**Муртазаев Абдужаббор Мустафаевич**

техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**«Навоий кон-металлургия комбинати» ДК**

Диссертация химояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Давлат техника университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 100060, Тошкент, Т.Шевченко кўч. 11а. Тел./факс: (71) 256-13-49, (71) 140-08-12 e-mail: [info@gpnimr.uz](mailto:info@gpnimr.uz), [gpnimr@exat.uz](mailto:gpnimr@exat.uz)).

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Ташкент ш., Т.Шевченко кўчаси, 11-а Тел.: 71 256-13-49.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» февралда тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_\_\_» февралдаги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Р.А.Ахунджанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, г.-м. ф.д.

**К.Р.Мингбаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, г.-м. ф.н.

**Х.А.Ақбаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, г.-м. ф.д., академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётида маъдан конларини разведка қилиш гидравлика кучига асосланган маҳсус бурғилаш ускуналари, замоновий бурғилаш насослари, керн қабул қиласидаган снарядлар, турли модификацияли коронкалар, қўш қувурли колонналар ва сифатли кимёвий реагентлардан фойдаланиб, колонкали бурғилашнинг асосий маҳсулоти бўлган кернни сифатли олиш технологиясига таянади. Шундан келиб чиқган ҳолда замоновий бурғилаш техника ва технологиясининг асосий мезонларидан бири бўлган бурғилаш жараёнининг оптималь режимини топиш ҳисобланади. Бу борада тоғ жинсларининг бурғиланувчанлик хусусиятларидан, геологик-техник шароитларининг хилма-хиллигидан келиб чиқган ҳолда бурғилаш параметрларининг чегаравий катталикларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёning ривожланган давлатларида қимматбаҳо импрегниранган табиий ва синтетик олмосли коронкалардан рационал фойдаланиш, қудуқларни қазиши технологиясини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан АҚШ, Канада, Швеция Австралия, Хитой, ЖАР ва Россия давлатларида олмосли коронкаларнинг ишлаш муддатини ошириш, бурғилаш самарадорлигини энг юқори кўрсатгичларга етказиш борасида изланишлар замоновий компьютер технологияларини жорий қилган ҳолда амалга оширилмоқда. Бундай илмий ёндашувнинг афзаллиги геология қидирув ишлари муддатларини қисқартиришга, фойдали қазилма конларини аниқлашга кетадиган сарф харажатларни сезиларли камайтириш ва минерал хомашё базасини кенгайтиришга имкон беради.

Республикамизда замоновий бурғилаш технологияларини жорий қилиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда, жумладан, гидравлика кучига асосланган бурғилаш ускуналарини қўш қувурли (ССК) колонналарни олмосли коронкалар билан ишлатиш орқали бурғилаш самарадорлиги оширилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... алоҳида ҳудудларда табиий ва минерал хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таминлаш ...»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада импрегниранган олмосли коронкаларда бурғилашнинг рационал технологиясини яратишга бағишлиланган илмий тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тўғрисида»ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши натижалари муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII – «Ер тўғрисидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология и минерал ҳом ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Геологик қидирув кудукларини колонкали бурғилашда тоғ жинсини емириш механизмини ўрганиш, олмосли коронкалардан фойдаланишнинг дастлабки даврларидаёқ бошланган эди. Олмосли бурғилашнинг муаммоларига ва вазифаларига кўплаб олимлар, жумладан Г.А.Блинов, Е.И.Быченков, В.И.Васильев, Л.К.Горшков, В.К.Кардыш, Е.А.Козловский, В.И.Власюк, С.К. Кудайкулов ўзбек олимларидан А.М.Магурдумов, Л.А.Думаревский, Б.Л.Стеклянов, А.А. Абдумажитов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари бағишлаган.

Олмосли коронкалар билан бурғилашнинг рационал технологиясини ишлаб чиқищдаги асосий муаммо, тоғ жинсини емириш механизмининг аниқ стратегик ва тактик принципларининг йўқлигига эди. Собиқ совет давридаги тадқиқотчилар мазкур муаммонинг сабабларини олмосли коронка тоғ жинсини тирналаб ва ишқаланиб емиради деган, яъни юзалама емириш ғоясини олға сурган эдилар. Ўтган асрнинг 80-чи йилларигача чет эл тадқиқотчилари ҳам шу фикрни қўллаганлар. Лекин жаҳон миқёсида импрегниранг сунъий олмосли, юқори мустаҳкамликка эга матрицали коронкаларни ялпи қўлланилиши, чет эл тадқиқотчиларини олмосли бурғилаш стратегия ва тактикасига коронканинг кесувчи қисми тоғ жинсини «ҳажмий» емиради деган фикрни олға суришга мажбур қилди. Кўплаб илмий қарашлар, гипотезалар ўрганиб чиқилиб, импрегниранг коронкалар қудук тубидаги тоғ жинсига берилган кучланишнинг тарқалиши натижасида тоғ жинсининг структуравий боғлиқлигини бузиб заифлашиши, бўлакларга бўлиниши ва ниҳоят парчаланиш текислиги ҳосил қилиши қонуниятлари аниқланди. Мазкур қонуниятлар ва ҳажмий емиришдаги техникавий, физиковий жараёнлар эса олмосли коронкалардан рационал фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқарди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Минерал ресурслар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Олмосли коронкалардан рационал фойдаланиш регламентларини ишлаб чиқиш» (2008-2009 йй.), «Тоғ жинсларини деформацияланиши ва мустаҳкамлигининг заифлашиш коэффициентини аниқлаш» (2009-2010 йй.), «Геологияда бурғилашнинг замоновий техника ва технологиялари бўйича услубий тавсиялар» (2010-2011 йй.), «Чуқур бўлмаган қудукларни бурғилаш ва намуна олиш учун мобиъ бурғилаш ускунасини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш» (2011-2012 йй.), «Бурғилаш шламини сиқилган ҳаво ёрдамида ички қувур орқали тескари

йўналтириб бурғилайдиган модификациялашган қўш қувурли жамланма ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш» (2013-2014 йй.), «КТ типидаги қаттиқ қотишмали коронканинг мукаммалашган конструкцияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш» (2014-2015 йй.) тажриба-конструкторлик лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** рудали конларда импрегнирангдан олмос коронкалар билан бурғилашнинг рационал технологиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон рудали конларнинг турли хил геологик-техник шароитларда импрегнирангдан олмосли коронкаларни ишлатиш тадқиқотлари натижаларини жамлаш ва таҳлил қилиш асосида бурғилашнинг рационал параметрларини аниқлаш;

тоғ жинси ва емирувчи асбоб элементи контактидаги заифлашган зоналарда қудук тубига берилаётган кучланишнинг тарқалиши оқибатида бўлакланиш текислиги ва қўпорилишлар ҳосил қилиб, тоғ жинсини илгарилаб емириш механизмини ўрганиш;

бурғилаш валининг бир марта айланиши натижасида ботиш тезлиги h ни асосий мезон сифатида қабул қилиб, импрегнирангдан коронкалардан самарали фойдаланган ҳолда бурғилаш жараёнини оптимал бошқариш мумкинлигини асослаш;

қудук тубида бурғилаш натижасида ҳосил бўлган шлам ва ундан тозалаш учун зарур бўлган юувучи суюқлик миқдорининг мос келиши, олмосли коронканинг мўътадил ишлаш меъзони эканлигини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Марказий Қизилқум, Чотқол-Курама ва Нурота тоғларида жойлашган рудали конларнинг тоғ жинсларини бурғилашда ишлатилган олмосли коронкалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида импрегнирангдан олмосли коронкаларнинг ҳар хил геологик-техник шароитларда аномал ва бошқа турдаги емирилиш жараёнлари танланган.

**Тадқиқотнинг усувлари.** Белгилangan вазифаларни бажариш учун назарий ва синов-тажриба тадқиқотлари натижаларини тизимли ва илмий таҳлил қилишни ўз ичига олувчи умумий услубий принциплардан фойдаланилган. Тажриба-синов ишлари ўтказилган, шунингдек нашриёт ва фонд манбааларида эълон қилинган материаллар асосида ишлаб чиқариш обьектларидаги тажриба натижалари умумлаштирилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

рудали конларнинг турли хил геологик-техник шароитларга импрегнирангдан олмосли коронкалар турларини оқилона танлаш ҳамда баҳолашнинг техник имкониятлари, технологик талаблари ва ишлаш режимларига мувофиқлик меъзонлари ишлаб чиқилган;

импрегниранг коронкаларнинг қудук тубидаги тоғ жинсига берилган кучланишининг тарқалиши натижасида уларнинг тузилишини заифлашиши ( $K_{осл}$ ), бўлакларга бўлинishi ва дастлабки парчаланиш текислиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган;

бурғилаш валининг бир марта айланиши натижасидаги ботиш тезлиги (h) ни бошқа параметрлар (айланиш тезлиги, марказий ўқ юки, берилётган бурғилаш суюқлигининг миқдори, механик тезлик) билан боғлаган ҳолда жараённи рақамли электрон ахборотни ўлчов-назорат асбоби экраннда кузатиш орқали оптимал бошқарилиши такомиллаштирилган;

қудук тубида бурғилаш жараёнида ҳосил бўлган шлам ва ундан тозалаш учун зарур юувучи суюқлик миқдорларининг гармоник мослиги коэффициенти (гармоник мослик коэффициенти  $K_r$ ) аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуидагилардан иборат:

рудали конларда қўп учрайдиган тоғ-кон формациялари учун ишлатиладиган импрегнирангдан олмос коронкаларининг рационал турлари аниқланган;

бурғилаш валининг бир маротаба айлангандаги коронканинг ботиш тезлиги (h) бурғилаш жараёнини уг бошқа параметрлари билан узвий боғлиқлиги ғояси асосида айланиш частотаси, марказий ўқ юки, юувучи суюқлик миқдорларини кўрсатиб турувчи назорат асбоби ишлаб чиқарилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий қарашлар, тадқиқот натижалари ва хулосалари Ўзбекистон Республикасининг геология қидириув майдонларида бурғиланган 155 та қудукларда 475 та олмосли коронкаларни ишлатиш тажриба-синов натижалари асосида таққосланган 40 дан ортиқ турдаги олмосли коронкаларнинг технологик регламентларини яратилган ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришда фойдаланилаётганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, аниқланган импрегнирангдан коронкаларнинг қудук тубидаги тоғ жинсига берилган кучланишининг тарқалиши натижасида уларнинг тузилишини заифлашиши ( $K_{осл}$ ), бўлакларга бўлиниши ва парчаланиш текислиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, келгусида бурғилаш технологияларини янада такомиллаштиришга асос бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бурғилашда қўлланиладиган импрегнирангдан олмос коронкаларини турлари рудали конларнинг хилмажил тоғ формацияларида оптимал бурғилаш режимларининг ўрнатилиши, ишлаб чиқилган рационал технологик регламенти бурғилаш жараёнини жадаллаштиради ва 1 метр бурғилашга сарф харажатларни камайтиришга хизмат қиласди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Рудали конларда импрегнирангдан олмосли коронкалари билан бурғилашнинг рационал технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

рудали конларнинг турли хил геологик-техник шароитларга мос келувчи 40 дан ортиқ импрегнирангдан олмосли коронкаларни танлаш ва баҳолашнинг технологик регламентлари Зармитан геология қидириув ва Шарқий Курама экспедицияларининг объектлари бурғилаш жараёнига жорий этилган. (Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 7 январдаги 15/1-спр-сон маълумотномаси). Натижада объектларда якка колонкали қувур билан

бурғилаш самарадорлигини 22% га, керн олишни 70% дан 95-100% га ошириш ҳамда 1 пог.м бурғилашга кетган олмос сарфини эса 1,03 каратдан 0,9 каратга камайтириш имконини берган;

миқдорий жиҳатдан асосланган қудук тубида бурғилаш натижасида ҳосил бўлган шлам ва ундан тозалаш учун зарур юувчи суюқликнинг гармоник мослиги (гармоник мослик коэффициенти  $K_r$ ), ҳамда импрегнирангтан коронкаларнинг қудук тубидаги тоғ жинсига берилган кучланишининг тарқалиши натижасида тоғ жинсининг тузилишини заифлашиши ( $K_{осл}$ ) Кокпатас геология қидирув экспедициясининг «Рудная зона» участкасида амалиётга жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 7 январь 15/1-спр-сон маълумотномаси). Натижада бир дона 28И4Г маркали импрегнирангтан олмосли коронка билан амалдаги 70-80 пог.м ўрнига 120 пог.м ўтиш имконини берган;

бурғилаш валининг бир марта айланиши натижасидаги ботиш тезлиги ( $h$ ) ни бошқа параметрлар (айланиш тезлиги, марказий ўқ юки, берилётган бурғилаш суюқлигининг миқдори, механик тезлик) билан боғлаган ҳолда жараённи рақамли электрон ахборотни ўлчов-назорат асбоби экранидаги кузатиш орқали бошқариш ғояси Россия Федерациясининг Оренбург бурғилаш ускуналари заводи ҳамда «Олтойгеомаш» ҳиссадорлик жамияти фаолиятига жорий этилган («Олтойгеомаш» ҲЖ нинг 2017 йил 18 ноябрдаги 007-сон маълумотномаси). Натижада ўлчов-назорат асбобларини такомиллаштириш ва бурғилаш ускуналарини жиҳозлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шундан 2 таси брошюраларда, 4 таси илмий-амалий анжуманлар тезисларида, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тамонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетдан иборат (иловаларсиз).

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмida ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, мақсад ва вазифалари асосланиб берилади, обьектлар ва предмети тавсифланади, ўтказилган ишларнинг республика фан ва технологияларини тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқ келиши қўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий ишларнинг шарҳи берилган, илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён қилинади, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтирилади.

Диссертациянинг «Олмосли бурғилаш технологиясининг замоновий ҳолати таҳлили» деб номланган биринчи боби 2 бўлимдан иборат бўлиб, чет элларда ва Ўзбекистонда олмосли бурғилашнинг ҳолатлари тўғрисида қисқача маълумотлар берилган.

Кўпгина чет эл компаниялари юқори кўрсаткичли техник характеристикасига эга бўлган импрегниранг олмос коронкаларини охирги авлод замоновий бурғилаш ускуналари ва фойдали иш коэффициенти юқори бўлган бурғилаш асбоблари билан ҳамжиҳатликда ишлатилганда, геологик-техник шароити жуда ноқулай бўлган қудуқдан намуна (керн) олиш 95-100 фоизга, меҳнат унумдорлиги эса бир ойда 1500 пог. м етказишга эришилган.

Қарийиб 60 йил давомида нафақат бизнинг республикамизда балки сабиқ иттифоқнинг бошқа республикаларида ҳам барча бурғилаш технологиялари, жумладан олмосли бурғилаш ҳам технологик рецепт базасига, яъни «қолипга солинган технология» асосига қурилган эди.

Бу қолипга солинган технологияни танлашнинг умумий схемаси мазкур ишнинг 1.3-расмда келтирилган. Бу схеманинг ҳар бир этапи ёки босқичи қатъий «рецепт» ларга асосланган. Мисол учун, бурғилашнинг ўртача тезлиги, тоғ жинсининг ўртача котегорияси, 1 пог. м бурғилашнинг ўртача таннархи, тоғ жинсини емирувчи асбобнинг ўртача ковлаб ўтувчанлиги, қудуқдан олинадиган керннинг ўртача миқдори, йириклиштирилган смета меъёрлари, вақт меъёрлари, коэффициентлар, индекслар ва ҳ. Ҳаттоқи ҳар хил ўлчамли қаттиқ қотишмали, олмосли ёки шарошқали бурғилаш асбобларининг кўрсаткичларини ҳам ўртачасини олиш йўли билан қолипга солинган эди.

Амалиётда қўриниб турганидек, олмосли бурғилашнинг илмий, конструкторлик ва технологик ечимини топмаган муаммолари анчагина:

- олмосли бурғилашда ноқулай геологик-техник шароитларда қудуқ тубига бериладиган энергиядан тўлиқ фойдаланишга эриша олмаётганлигимиз;
- коронка матрицасининг ишчи қисмининг қизиб кетишини ва аномал емирилиш минимал даражага камайтириш зарурати;
- бурғилаш параметрларининг юқори аниқликдаги чегаравий катталикларини топилмаганлиги, рудали конларнинг ҳар хил геологик-техник шароитларига мос коронкалар турларини қўллаш етарлича ўрганилмаганлиги каби муаммолар замоновий геология талаб қиласидиган сифатни бера олмаётганлиги ва ҳ.

Юқоридаги сабабларга кўра мазкур тадқиқотнинг долзарблиги равshan қўриниб туради.

Диссертациянинг «**Тажрибаларни ўтказиш ва тадқиқот усулларининг асослари**» деб номланувчи иккинчи боби 2 та бўлимлардан иборат бўлиб, республикамиздаги олтин, қора сланецлар типидаги уран конларида ҳамда камёб металлар маъдан намоёнларида геологик-техник-технологик жиҳатларини ёритиб берган. Бу бўлимларда кўпгина самарали геология қидирув обьектлари геологик тузилиши жиҳатидан оғир ва ноқулай тузилмалардан иборат бўлганлиги учун, қудуқларни бурғилаш ва улардан 10

керн олиш жараёнига салбий тасир кўрсатиши аниқлаб берилган. Геологик жиҳатдан нокулай тузилмаларнинг умумий жиҳатлари қуидагилардан иборат: маъдан таналарининг ер остида катта қиялик билан ётиши, ривожланган тектоник ҳолатлари, ўзгарувчан қалинликка эга бўлганлиги, ундаги фойдали компонентларнинг ҳар хил тарқалганлиги, баъзи ҳолатларда бу компонентларнинг ўта камлиги ва х. Маъдан танаси ичидағи ёки атрофидаги тоғ жинсларининг иккиласми ўзгарган ҳолатлари қуидагича характерланади: кварцланганлик, серицитланганлик, хлорланганлик, лиственитланганлик, роговикланганлик, мармарлашганли, скарнлашганлик, альбитлашганлик, корбонатлашганлик, сульфидлашганлик ва х.

Юқорида санаб ўтилган жараёнлар бурғилаш услублари ва намуна олиш техника ва технологиясига, уларни ташкиллаштиришга, алоҳида нуқтаи назар билан қаралиши заруриатини талаб қиласди. Мазкур бобда бу услублар тўғрисида чукур мулоҳазалар юритилади ва техник-технологик ҳолатлар асосланади.

Учинчи боб дисертациянинг асосий қисмини ташкил қилиб, «**Олмосли бурғилашда импрегниранган коронкаларнинг рационал техника ва технологияси**» деб номланади ва бешта бўлимлардан иборат. Импрегниранган олмосли коронкалар билан тоғ жинсини емириш механизми тўғрисида ўтган асрнинг 50 – йилларидан бошлаб тадқиқотчилар тамонидан юритилган ғоялар, гипотезалар «тоғ жинси – тоғ жинсини емирувчи асбоб» деб ном олган ғоялар мажмуаси чукур таҳлил қилинади.

Етакчи компанияларнинг тоғ жинсларини физик-механик хоссаларини ўрганиш, биринчи навбатда мустаҳкамлик, абразивлик, дарзланганлик каби асосий хоссаларини тоғ жинсларини бурғиланишга гурухлашни илғор тажриба сифатида қабул қилиб ва шу асосида Ўзбекистондаги фойдали қазилма конларини излаш ва разведка қилиш объектларида юқори тезлик билан айлантириб бурғилашнинг техник-технологик имкониятлари борлигига ўз тасдифини топди.

Олмосли асбоблар билан тоғ жинсини ҳажмий емириши янги технологияси тоғ жинслари турини унга мос келувчи олмосли коронкалар ўлчамлари билан оптимал уйғунлигига асосланган.

Ўзбекистондаги рудали конларида кўплаб учрайдиган тоғ жинсларига коронкаларнинг ботиши жараёнидаги ҳар хил деформацияларини кузатиб 1-жадвал тузилган.

Олмосли бурғилаш амалиётидан кўриниб турадики, аниқланган ҳар қандай бурғилаш шароитидан келиб чиқиб, бурғилаш снарядининг оптимал айланиш тезлиги мос келиши зарур. Снаряднинг айланиш тезлигини танлаётганда қуидаги факторларни инобатга олиш зарур: тоғ жинсининг физик-механик хусусиятлари, қудуқнинг диаметри ва чуқурлиги, коронканнинг диаметри, бурғилаш колоннасининг сифати, қудуқни ювиш тартиби, олмос зарраларининг силлиқланиши, пухталигининг заифлашиши, бурғилаш станогининг ҳаракат берувчи двигателининг қуввати, олмос сарфи, керннинг чиқиши, снаряднинг қалтираш кўрсаткичлари, коронка матрицасидаги олмослар сони ва х.

### Төг жинслиарининг деформацияланниш турлари

<b>Төг жинсининг номлари</b>	<b>Мустаҳкам-ликни бўшашини коэффициенти</b>	<b>Төг жинслиарининг деформацияланниш хусусиятлари</b>
Алевролитлар	0,3	Этилувчан, кайрилишга мойил ва тез майдаланади
Кумтошлар	0,6	Мўрглашган, сикилганда қайрилишга мойил, тез майдаланади.
Доломитлар	0,5	Сикилганда интенсив дарзланади. (дарзли бўлакланиш)
Охактошлар	0,7	Этилувчан, окишга мойил, ялпилик ҳолатини бузилмасдан кичик ёриклар хосил килиб, дарзли бўлакланади.
Рудали жаспероидлар	0,5	Мўрт деформацияланниш хусусиятига эга, сикилганда бўлакланиш ёриклари ва бўлакчалар хосил бўлади.
Гранит-порфирлар	0,4-0,6	Мўрглашган, сикилганда дарзли бўлакар пайдо киласи ва доначали майдаланиш юз беради.
Гранодиоритлар	0,5	Мўрглашган, сикилганда бўлакланиш ёриклари пайдо киласи ва ялпили майдаланиш юз беради.
Кварцпорфирлар	0,5	Кичик ёриклар пайдо киласи.
Гранитлар	0,5	Мўрглашган, сикилганда дарзли бўлакар пайдо киласи ва доначали майдаланиш юз беради.
Кўмир-сплюдали сланецлар	0,8	Этилувчанликка мойил, кайрилиб кейинчалик дарзли бўлакчалар хосил киласи.
Сланецлар	0,8	Юкори этилувчанлик хусусияти бор, ялпилик ҳолатини бузилмасдан этилади.
Слюдо-кварцли сланецлар	0,7	Этилувчан, кайрилишга мойил, қайрилиб кейинчалик

			доначали майдаланиш юз беради.
Кварцитлар	0,4		Ўта мўрт, киялашган параллел дарзли бўлакчалар пайдо килади.
Кварцлашган алевролитлар	0,7		Мўрглашган, дарзли бўлакчалар ва бўлаклар хосил килади.
Кварцлашган тоф жинслари	0,5		Ўта мўрт, дарзланган бўлакчалар хосил килади.
Кремнийли қумтошлар	0,6		Мўрглашишга мойил, сикилганда дарзли бўлакчалар ва бўлакчалар пайдо бўлади.
Кварцлашган қумтошлар	0,6		Мўрглашган, сикилганда дарзли бўлакчалар ва бўлаклар хосил бўлади, тезлашган холда майдаланади.
Кремнийли сланецлар	0,7		Этилувчанликга мойил, кайрилгандан сўнг дарзланиб бўлинади ва доначали майдаланиш юз беради.
Сланецли кремнийлар	0,7		Этилувчанликга мойил, кайрилгандан сўнг дарзланиб бўлинади ва доначали майдаланиш юз беради.
Слюдакварцили алевролитлар	0,6		Этилувчанликга мойил, кайрилгандан сўнг дарзланиб бўлинади ва тезлашган холда майдаланади.
Диорит порфиритлар	0,5		Мўрглашган, дарзланган бўлакчалар хосил килади.
Роговиклар	0,5		Ўта мўрт, дарзланган бўлакчалар хосил килади.
Кремнийли жинслар	0,5		Мўрг, дарзланган бўлакчалар хосил килади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бурғилаш валининг бир айлангандаги тоғ жинсига ботиш тезлиги чет элларда кўп ҳолатларда асосий қўрсаткичлардан бири бўлиб, бурғиловчи учун бу қўрсаткич катталиги режа сифатида қабул қилинади. Дарҳақиқат, коронканинг бир марта айланишидаги ботиш тезлиги ўз ўрнида оптималь бурғилаш режимиининг асосий мезонларидан ҳисобланади, чунки бу 1 метр бурғиланган қудуқнинг таннархини белгилашда муҳум ахамиятга эга. Бу қўрсаткич хақиқатан ҳам бурғилаш режими параметрларини автоматик равишда бошқаришда хизмат қиласди.  $h_y < h_o < h_{pr}$  ушбу ҳолатда ўрнатилган ботиш тезлиги ( $h_y$ ) оптималь ботиш тезлигидан( $h_o$ ) кичик бўлса ва у чегаравий ботиш тезлигидан ( $h_{pr}$ ) ҳам кичик бўлса бурғилаш тезлиги тушиб кетади, олмос сарфи бирлиги қўпаяди ва бурғилаш таннархи ошибб кетади.

Замонавий назарий тадқиқотлар ва амалий ишланмалар юқорида қўрсатилган ҳолатнинг бурғилаш тезлиги снарядининг бир марта айлангандаги ботиш тезлигининг рационал уйғунлашувидан дарак беради. Ҳозиргача бурғилаш технологик режимиининг параметри, емирувчи асбобга тушадиган марказий ўқ юки, бурғилаш снаядининг айланиш частотаси, шлам тозаловчи агентнинг миқдори ва сифати билан белгиланар эди. Асбобнинг ботиш тезлиги режим параметри сифатида қаралмас эди ва бунинг иложи ҳам бўлмаган. Чунки шпинделли станокларда, асбобга берилиши керак бўлган қатъий ботиш тезлигини бериш, техник ва технологик жиҳатдан имкониятга эга эмас эди. Тоғ жинсини олмосли асбоблар билан юзалама емириш ғояси асосида иш юритилганда бундай қилишнинг зарурияти ҳам йўқ эди. Лекин жаҳон амалиёти, олмосли бурғилаш берилган тезликдаги ( $V_{mex}$ ) бурғилаш снаядининг 1 айлангадаги ботиш тезлиги  $h$  тоғ жинсини ҳажмий емиради деган нуқтаи назарни асослаб берди.

Ҳақиқтан ҳам  $h$  бурғилаш жараёнининг режимли параметрларига коронканинг конструкцияси билан боғлиқ бўлган комплекс қўрсаткич ҳисобланади.  $\mathbf{h} = \mathbf{V}_{mex}/\mathbf{n}$ , бу ерда  $V_{mex}$  – бурғилашнинг механик тезлиги,  $n$  – бурғилаш снаядининг айланиш частотаси.

Бу ифодани таҳлил қилганимизда шуни қўрсатадики, механик тезликнинг ва ботиш тезлигининг ўсиш темпи коронканинг тоғ жинсига ботиш тезлиги билан узвий боғлиқдир. Бурғилаш жараёнода  $h$  қудуқнинг шламдан тоза бўлиб турган вазиятда 3 та асосий қўринишларда намоён бўлади:


- $h$  ошади, сабаби,  $V_{mex}$  механик тезликнинг ўсиш темпи  $n$  айланиш частотасининг ўсиш темпидан илгарилаш кетади. Бу ҳолат «куч ишлатиши» усули деб юритилади, бунда бурғилаш самарадорлиги бурғилаш снаядига марказий ўқ юкининг оширилиши туфайли тоғ жинсига ботиши ошади ва ўз-ўзидан маълумки, коронка секторлари ва емирувчи элементлари остида шлам ажралиши қўпайиб кетади, коронканинг емирувчи юзаси ва тоғ жинси билан контакти орасидаги масофа максимал қисқаради. Бунинг натижасида эса шлам ажралиш бирданига ошибб кетади ва  $V_{mex}$  механик тезликнинг пасайиши

бошланади, коронканинг емирилиш меъёрдан ошиб кетади, ҳатто кейинчалик бурғилаш снарядига марказий ўқ юкини ошириш ҳам олмоснинг тоғ жинсига ботишини таминалаб бера олмайди. Бу ҳолат қудук тубида «шлам ўтириб қолиш» (зашламование) деб юритилади (3.1 расм.);

- $h$  пасаяди, сабаби,  $n$  айланиш частотасининг ўсиш темпи  $V_{\text{мех}}$  механик тезликнинг ўсиш темпидан илгарилаб кетади; бурғилаш валининг айланиш частотаси ва снарядга берилаётган марказий ўқ юки олмос қирраларининг тоғ жинсига ботишини таминалаб бера олмайди; ўзаро ҳамкорликда харакат қилаётган жуфтлик (коронка ва тоғ жинси) турғун режимга, яъни коронка емирувчи элементларини, айникса олмос қирраларининг «силлиқланиши» режимига ўтиб олади (3.2. расм).


- $h$  доимий, сабаби,  $V_{\text{мех}}$  механик тезликнинг ўсиш темпи,  $n$  бурғилаш валининг айланиш частотаси билан уйғунлашган ҳолатда, яъни тоғ жинсига ботиши тезлигининг оптималь кўрсаткичига эришилган бўлади. Тоғ жинсининг емирилиш жараёнининг интенсивлиги, тоғ жинсининг емирилган қатламларини коронканинг таг қисмидан чиқариб ташлаш тезлиги билан уйғунлашган; олмос қирраларининг тоғ жинсига қадалиши доимий ҳолатда бўлгандиги учун бир хил миқдордаги шлам чиқиши таминалади; коронканинг емирувчи элементлари ва тоғ жинси билан контакт оралиғи ўзгармас бир-хилликни таминалгани учун каронканинг нормал ва мўътадил ишлаши кузатилади. Олмоснинг тоғ жинсига ботишининг нисбатан доимийлигини таминалаш, снарядга берилаётган марказий ўқ юки билан тоғ жинсининг емирилиш юзасининг мос келиши билан шартланади (3.3. расм).

Кўриб турганимиздек,  $h$  ни кўрсаткич сифатида ишлатиш, олмосли коронканинг силлиқланиб қолиши, интенсив емирилиши ёки рационал ишлатилишининг чегаравий кўрсаткичларини амалда аниқлаб бера олар экан. Албатта бу ҳолатларда қудукга бериладиган юувучи суюқликнинг  $V_{\text{мех}}$  ва  $h$  га пропорционаллигини ҳисобга олиш шарт.




3.1-расм.  $h$  ботиши ва  $V_{\text{мех}}$  механик тезликни коронканинг шлам билан қопланишига боғликлиги чегаралари.

$V_{\text{мех}}$  тезлик айланиш тезлиги темпидан ўзиб кетади,  $h$  ботиш тезлиги ошади – кудук тубида шлам қоплаб қолиши юз беради



3.2-расм. Ботиш ва механик тезликни коронканың силлиқланишига боғликлиги чегаралари

$n$  айланиш тезлигининг ўсиши  $V_{\text{мех}}$ - механик тезликніг ўсишидан ўзиб кетади,  $h$  ботиш тезлиги камаяди – коронкада олмос қирраларининг силлиқланиши юз беради.



3.3-расм. Ботиш ва механик тезликни коронканың мұтадил ишлашига боғликлиги чегаралари.

$V_{\text{мех}}$  - механик тезликнинг ўсиши н-айланиш тезлигининг ўсишига мос равища уйғунлашган,  $h$  - ботиш тезлиги доимий - олмос коронкаси учун қулай иш шароити яратилади

Тадқиқотчилар қабул қилган умумий қарашлар бўйича, коронка матрицасида олмос доначалари қанчалик майда бўлса, бурғилаш снарядининг айланиш тезлиги катта бўлиши (850-1200 айл/мин) ва аксинча, йирик бўлса тезлигини камроқ бўлиши тасдиқланган. Агар 1 карат 4-10 дона олмос доначаларидан иборат бўлса нисбатан йирик доналардан ташкил топғанлиги тушунилади ва бундай коронкаларни ишлатганда секинлашиб айлантириш назарда тутилади (600-650 айл/мин). Бу умумий қоидалар сирасига киради ва барча турдаги тоғ жинсларида ҳамда барча турдаги коронкаларга, ҳатто импрегниранг коронкаларга ҳам таълуқлидир.

Агар қирраларининг чиқиб туриши меъёрдагидан кам бўлса ва тоғ жинсининг емирилган заррачалари (шлам) юувучи суюқлик ёрдамида зудлик билан олиб кетилиши таминланмаса, бу емирилган заррачалар қайтиб коронка остига тушади ва қайта майдаланиш ҳолати юз беради. Бу эса олмос доначаларининг фойдасиз емирилишига сабаб бўлади. Олмос доначаларинг матрицадан чиқиб туриши, матрица билан емирилган заррачалар орасидаги бўш майдончанинг кенгроқ бўлишини таминлайди. Бу эса ўз навбатида емирилган тоғ жинси зарраларининг коронка остидан осон чиқиб кетишига ва олмос қирраларининг кейинги қатламни емирилишига мўтадил шароит яратиб беради.

Шундай қилиб, олмосли бурғилашнинг бугунги замоновий тараққиёти босқичида, айниқса импрегниранг олмосли коронкалар билан бурғилаганда ботиш тезлиги  $h$  бурғилашни назорат қилиш ва бошқариш учун туб асосдир.

2-жадвалда олмос доначаларининг қирралари матрицадан чиқиб туриши катталиклари келтирилган бўлиб, бунга риоя қилиб ишлатилганда қудук тубига коронканинг ботиш тезлигини ва бирор вақт бирлигига шлам ҳосил қилиш ҳажмини ва зарур бўлган юувучи суюқлик миқдорини объектив равища ҳисоблаш имконияти бўлади. Олмосли коронкаларнинг самарали ишлаши ва бир айлангандаги ботиш тезлигининг оптимальигини таъминлаш учун олмос қирраларининг матрицадан чиқиб туриши ёки бурғилаш жараёнида очилиши муҳим ахамиятга эга.

### **Олмос қирраларининг матрицадан чиқиб туриш кўрсаткичлари 2-жадвал**

Тоғ жинслари	Олмос дончасининг диаметрига % хисобида меъёрдаги чиқиб туриши	Олмослар донадорлиги, дона/карат								
		2-1	5-2	10-2	20-10	30-20	40-30	60-40	90-60	120-90


Юмшоқ, ёпишқоқ ва күчсиз цемент-ланган йирик доначали	25	0,8	0,6	0,5	0,4	0,3	-	-	-	-
Зич, ялпи қуийлган, ўртача қаттиқликдаги	15	-	-	0,4	0,3	0,25	0,25	0,2	-	
Қаттиқ, ялпи қуийлган	10	-	-	-	-	-	0,20	0,20	0,15	0,10
Қаттиқ, парчаланган ва дарзланган	<10	-	-	-	-	-	-	0,15	0,10	0,08

Импрегниранган коронкаларни ишлатиш амалий тажрибалари шуни кўрсатадики, жуда кўп вазиятларда коронкага бериладиган марказий ўқ юкининг оширилиши коронканинг меъёрдан зиёд емирилишига олиб келади, ушбу юкнинг камлиги эса матрицанинг силлиқланишига ва кейинги вазиятларда олмос қирраларининг ўтмаслашишига олиб келади, натижада олмосли коронканинг ўзини-ўзи ўткирлаш хусусияти йўқолади.


**Импрегниранган олмосли коронкалар билан бурғилаганда марказий ўқ юкининг чегаравий катталиклари.** Оптимал тарзда берилган марказий ўқ юки, олмос сарфини камайишига, оптимал механик тезликга эришишига олиб келади. Шу вазиятда ва танланган ботиш тезлиги диапозонида қудукни қазиш жараёнини оптимал бошқаришига ҳамда коронканинг конструктив жиҳатларини, техник имкониятларини, технологик талабларини, импрегниранган коронкаларни ишлатиш режимларини ва намуна олиш сифатларини объектив ҳисоблаш имкониятига эга бўламиз.

Бурғилаш ишлари самарадорлигини оширишига қўйилаётган доимий талаб бурғилаш жараёнини доимо жадаллаштириб боришни талаб қилмоқда. Лекин шуни ҳам назарда тутиш керакки, ишлаб чиқаришдаги ускуналар ва бурғилаш асбобларининг бурғилаш режимли параметрлари ва технологик рецепсларни ошириш имкониятларининг чегараланганини механик тезликни оширишни доимийлигини таминлаб бера олмайди ва бу коронкаларнинг ресурсларини камайтириб юборади.

3.4, 3.5-расмларда Боарт Лонгир компанияси коронкалари  $h$  ни 5-15 см/мин, Атлас Копко 5-25 см/мин, Россияда ишлаб чиқарилган олмосли коронкалар эса паст айланишли бурғилашда (300 айл/мин) –  $h=0,02-0,07$  мм/айл ( $V_{mex}=1,2-4,2$  м/соат), ўртача айланишли бурғилашда (300-700 айл/мин) –  $h=0,04-0,08$  мм/айл ( $V_{mex}=2,4-4,8$  м/соат), юқори тезкор бурғилашда (700-1000 айл/мин) –  $h=0,06-0,09$  мм/айл ( $V_{mex}=3,6-5,4$  м/соат) кўрсатгичлар аниқланган. Тавсия қилинган бу кўрсатгичлар олмосли коронкаларнинг аномал емирилишини ва олмос сарфини камайтиради. Олмосли коронканинг ботиш тезлиги аниқ геологик-техник шароитлар учун технологик регламентларини объектив равишда ишлаб чиқиши имконини беради.



3.4-расм



3.5-расм

Россияда (3.1-расм) ва Boart Longyear (3.2-расм) компаниясида ишлаб чыкаилган олмосли коронкаларнинг күдүк түбидагы төф жинсига ботиш тезлигининг айланыштар сонига боялдырылған


Марказий ўқ юкининг оптимал катталигини аниқлашда этalon тоғ жинслари ва маъданлари мустаҳкамлиги бўшашиши коэффициенти ишлатилган (3-жадвал)

3-жадвал

### Эталон тоғ жинслари ва маъданлари мустаҳкамлиги бўшашиши коэффициенти

Монолит	Дарзланган	Майдаланган
$K_{осл.} = 0,7 \div 0,9$	$K_{осл.} = 0,3 \div 0,6$	$K_{осл.} < 0,3$
Доломитлар	Кварц-порфирлар	Аргиллит
Гравелитлар	Гранит-гнейслар	Слюдя-кварц-сланец жинслари
Порфиритлар	Кварц-карбонатлижинслар	Кварцли кальцитлар
Кумтошлар	Фельзитлар	Кварцлашган оҳактошлар
Граносиенитлар	Гематитли кварцлар	Сланецлар
Мармарлар	Гранитлар	Сульфидли кварцлар
Оҳактошлар	Туфлар	
Сланецлар	Оҳактошлар	
Скарнлар	Алевролитлар	
	Сланецлар	

Бурғилаш валининг айланиш тезлиги билан марказий ўқ юкининг оптимал уйғунлигни танлашда, тоғ жинсининг бурғиланувчанликга тоифалашдан ва абразив хусусиятларини инобатга олишдан ташқари уларнинг физик-механик хусусиятларини ва олмосли коронканинг тоғ жинсини емиришдаги специфик жиҳатларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ (3.6-расм).



3.6-расм. Ҳар хил тоғ жинслари мажмуаларининг рационал марказий ўқ юкига боғлиқлиги.

Шуни такидлаш лозимки, «Ягона синфлаш»га жамланган бир тоифадаги тоғ жинсларининг олмосли коронкалар билан емириш механизми, тоғ жинсларининг заифлашиш кофициенти ҳисобига турлича бўлиши мумкин. Бундай тоғ жинсларига қуидагилар киради:

1. пластик ва мўрт пластик майдаланишга мойил тоғ жинслари: лойлик ва қум-лоильик сланецлар, аргиллитлар, филлитлар, мергеллар, оҳактошлар, мармар, доломитлар ва бошқа лойли, кварцланмаган, кремнийсиз корбонатли тоғ жинслари, қайсики марказий ўқ юки оширилганда коронкага ёпишиб жипсланади ва олмос доначалари орасини тўлдириб, уларнинг емириш хусусиятини пасайтиради.

2. мўрт ва мўрт-эгилувчанлик емирилишга мойил тоғ жинслари: барча кристалланиш тасири остига тушган ва метаморфик тоғ жинслари ҳамда қумтошлар. Бундай тоғ жинсларининг шлами жипслашши хусусиятига эга бўлмайди ва қудуқ тубида бурғилашга халақит берадиган зичлашган массани ҳосил қилмайди.

1 гурӯхдаги (войли ва корбонатли) тоғ жинсларини бурғилаганда айланиш тезлигини танлаш ва уни марказий ўқ юки билан уйғунликда бўлишини таминалаш зарур, чунки бундай тоғ жинсларини емириш жараёни нисбатан осон кечади ва уларнинг майдаланиши бурғилаш жараёнида иккиласида аҳамиятга эга бўлиб қолади. Бурғилаш тезлиги эса қудуқ тубини шламдан тозалаш тезлиги билан боғлиқ бўлиб қолади, бошқача қилиб айтганда, қудуқ тубини шламдан доимий тозаланиши шламнинг қайта зичланиб қаттиқ массага айланиб қолишининг, коронка матрицасига ёпишиб қолишининг олдини олади ва тоғ жинсига ботиш тезлигига акс тасир қилмайди.

Олмосли коронкага берилаётган марказий ўқ юки олмос заррачаларига ва тоғ жинсига матрица танаси ва шлам орқали тарқалади. Шламнинг борлиги марказий ўқ юкининг бир қисмини фойдасиз сарфланишига олмоснинг ва матрицанинг емирилишига қулайлик туғдиради. Шунинг учун бурғилашдан ҳосил бўладиган шлам миқдори ва ундан тозалаш учун зарур юувучи суюқликнинг гормоник мослиги олмосли бурғилашда муҳум аҳамиятга эга.

